

## ҚЎШМАЧИЛИК ҚИЛИШ ЁКИ ФОҲИШАХОНА САҚЛАШ ЖИНОЯТИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

*Жамолдинов Хумоюн Бахтиёрбек ўгли*  
*Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси*  
*Педагог кадрларни қайта тайёрлаш*  
*ва малакасини ошириш маркази бошлиғи*  
*Абдуназаров Севдиёр Дилшод ўгли*  
*Сирдарё вилояти ИИБ*  
*Ширин шаҳар ИИБ ҳузуридаги*  
*Тергов гуруҳи терговчиси*

Жиноят ҳуқуқида жиноятнинг субъекти устида гап борар экан, ана шу белгиларнинг ўзи (ақли расолиғи, қонунда кўрсатилган ёшга етганлиги) тадқиқ қилинади, ҳолос. Шунга кўра, жиноятнинг субъекти тушунчаси жиноятчининг шахси тушунчасига нисбатан тор тушунча ҳисобланади. Шахснинг муайян жиноятнинг субъекти (умумий субъект) бўлиши учун унинг ақли расолиғи, муайян ёшга етганлигидан бошқа белгилари жиноят-ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлмай қолади (махсус субъект белгисидан бошқа белгилари). Аммо ҳар бир жиноят содир этишда айбланаётган субъект унинг ўзигагина хос бўлган биологик руҳий (ақлий); ижтимоий хусусиятларга эга бўлади. Биологик белгилари — шахснинг ёши, соғлиғи бўлса, руҳий хусусиятлари — ақлий ривожланганлиги, ўзига хос темпераментлари кирса, ижтимоий хусусиятларига оиладаги ҳулқи, меҳнатга муносабати, ижтимоий яшаш қоидаларига муносабати ва ҳоказолар киради. Қонун чиқарувчи орган жиноятнинг махсус субъекти белгиларини ишлаб чиқар экан индивиднинг шахсини ифодаловчи барча индвидуал хусусиятларни ҳисобга ололмайди. Қонун чиқарувчи орган жиноятнинг умумий ва махсус субъектлари белгиларини ишлаб чиқар экан, шахснинг жиноят содир этишига ўз таъсирини кўрсата оладиган энг муҳим белгиларни жиноят таркиби субъектининг умумий ва махсус белгилари сифатида олган. Қонун чиқарувчи орган шахс индивидуал хусусиятларининг жиноят таркиби субъектининг белгилари доирасига киритилмаган белгилари суд томонидан жазони енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи ҳолат сифатида ҳисобга олиниши мумкин.

Жиноятчи шахсининг ижтимоий-руҳий ҳолати нуқтаи назардан қаралганда, унинг шахси жамиятдаги салбий ҳодисаларнинг умумлашган кўринишида ифодаланиши бўлиб, ҳуқуққа хилофлик, айблилик, зарарлилик ва ижтимоий хавфлилик унинг шахсининг муҳим элементлари бўлиб, ҳисобланади.

Шаҳвоний ҳаракатлар билан шуғулланиш учун алоҳида хона ажра-тиб берган шахсда ғаразли ёки бошқа паст ниятлар мавжуд бўлмаса, ушбу қилмиш жиноят ҳисобланмайди.

Қўшмачилик қилиш ёки фоҳишахона сақлаш алоҳида ёки бир гуруҳ шахслар томонидан амалга оширилиши мумкин. Улар, вазифасидан қатъи назар, яъни фоҳишахона эгаси, уни сақловчи, қўриқловчи ёки бошқа хизматлар кўрсатувчи бўлишига қарамасдан, барчаси мазкур жиноятнинг субъектлари ҳисобланади. Фоҳишахона сақламаган, очмаган ёки қўшмачилик қилмаган, бироқ унинг фаолият юритишига кўмаклашган шахслар таҳлил қилинаётган жиноятда иштирокчиликда жавобгарликка тортиладилар.

Ғаразли ният деганда, содир қилинаётган жиноятдан моддий ёки бошқача мулкӣ йусиндаги фойда олиш ёхуд моддий ҳаражатлардан қутулишга интилишда ифодаланган ният тушунилади.

Бошқа салбий ниятлар эса айбдорнинг жабрланувчилардан ёки бошқа шахслардан (мижозлардан) ўч олиш, уларни кўра олмаслик, зарар етказишни хоҳлаш каби алоҳида ахлоқсизлигидан далолат берувчи хулқ-атворини акс эттирувчи ниятларда намоён бўлади.

Агар шахс ўз қилмишининг ижтимоӣ хавфли хусусиятини англаган, унинг ижтимоӣ хавфли оқибатларига кўзи етган ва уларнинг юз беришини истаган бўлса, бундай жиноят тўғри қасддан содир этилган деб топилади. (ЎЗР ЖКнинг 21-моддаси 3-қисми).

Тўғри қасдда олдиндан англаш (билиш) қуйидагиларни қамраб олади:

биринчидан — тажовуз қилинадиган объектда бўладиган ўзгаришларнинг ҳақиқӣ мазмунини англаш;

иккинчидан — қилмишнинг ижтимоӣ аҳамиятини, яъни жамият учун зарарли эканлигини англаш;

учинчидан — ҳаракат ёки ҳаракатсизлик билан ижтимоӣ хавфли оқибат ўртасидаги сабабий боғланишни англаш (билиш).

Тўғри қасднинг иродавий ҳолати шахснинг муайян оқибатни юз беришини истагани ва шу оқибатнинг юз беришига онгли равишда йўл қўйганлиги экан, истагани нима?

Исташ — бу муайян мақсадга эришишга йўналтирилган ирода орқали муайян натижага эришишга бўлган интилишдир. Исташ – тўғри қасднинг элементи сифатида айбдорнинг кўзлаган мақсадга эришишга ёки эришишга шароит яратувчи вазиятни келтириб чиқаришга қаратилган бўлиши мумкин.

Айбдор фоҳишахона сақлаш ёки қўшмачилик қилишнинг ижтимоӣ хавфлилигини англайди ва бундай ҳаракатлар содир этилишини хоҳлайди. Қўшмачилик қилиш ҳаракатларини содир этишда жиноятнинг мотиви жиноят таркибининг зарурий белгиси сифатида баҳоланган. Шу боис, қўшмачилик

ҳаракатларини баҳолашда жиноятнинг мотивини аниқлаш шарт. Бунда жиноятнинг мотиви сифатида ғаразли ёки бошқа салбий ниятлар белгиланган.

Бугунги кунда қўшмачилик қилиш ёки фоҳишахона сақлаш шахс ва унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамиятда ўрнатилган ахлоқ нормаларига тажовуз қилувчи, ижтимоий хавфлилик даражаси юқори жиноятлар сирасига кириб, ҳуқуқ-тартибот ва жамият тараққиётига жиддий тўсқинлик қилиб келмоқда. Шунингдек у нормадан оғувчи салбий хулқ сифатида жиноят қонунчилиги нормаларини бузади, яъни ғайри-ахлоқий ва ғайри қонуний ҳисобланади. Қўшмачилик қилиш ёки фоҳишахона сақлашга ижтимоий иллатнинг турли кўринишлари — алкоғолизм, гиёҳвандлик кабилар билан бевосита боғлиқ. Бу эса, ўз навбатида, ҳуқуқий-демократик давлат, эркин фаровонлик жамияти куриш йўлидан бораётган давлатимизнинг равнақ топишида, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан мазкур жиноятларга қарши қатъий кураш олиб боришни талаб этади.